

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АМИРОВ ХАМИДУЛЛА СУЮНОВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ЯНГИДАН СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИДА
ҚОВУН НАВЛАРИНИ ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Амиров Хамидулла Суюнович

Зарафшон водийси янгидан суғориладиган ерларида қовун навларини ўстириш технологиясини такомиллаштириш 3

Амиров Хамидулла Суюнович

Совершенствование технологии возделывания сортов дыни на новоорошаемых землях Зарафшанской долины 21

Amirov Xamidulla Suyunovich

Improvement of technology of cultivation of melon varieties on newly irrigated lands of Zarafshan valley 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03-РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АМИРОВ ХАМИДУЛЛА СУЮНОВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ЯНГИДАН СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИДА
ҚОВУН НАВЛАРИНИ ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Qx518 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Сабзавот-полиэ экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Остонақулов Тоштемир Эшимович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дусмуратова Саодат Исмаиловна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Ҳакимов Рафиқжон Абдунабиевич
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

**Урганч давлат университети қошидаги
Қовунчилик бўлими**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____, соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Х.Ч.Буриев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор

З.А.Абдикаюмов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.ф.д., доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида бугунги кунда полиз экинлари субтропик ва мўътадил иқлим минтақаларида жами 6,2 млн. гектар майдонга экилиб, 142,4 млн. тонна ялпи ҳосил етиштирилади. Энг кўп полиз экинларини ишлаб чиқарувчи давлатлар Хитой, Туркия, Ҳиндистон, АҚШ, Эрон, Миср, Испания кабилар ҳисобланади¹. Ер шарининг тупроқ-иқлим шароити полиз экинлари етиштириш учун қулай бўлган ҳудудларида қовун навлари қадимдан ўстирилган. Айниқса, қовун мевасининг озиқалилиги юқори бўлганлиги учун қадимдан Марказий Осиё халқларининг сеvimли маҳсулоти бўлган. Бутун дунёда соғлом овқатланишни ташкил этиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш долзарб ҳисобланаётган бир пайтда дунё мамлакатлари халқ хўжалигида катта аҳамиятига эга бўлган қовун маҳсулотларини экспорт ҳажмини оширишда ушбу экинни етиштириш технологиясини такомиллаштириш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёнинг қатор мамлакатларида қовун тур ва хилларини кўпайтириш ҳамда иқлим шароитига мос навларини яратиш устида кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу мамлакатларда қовунни етиштириш ҳамда уни сақлаш ва қайта ишлашнинг замонавий технологиялари яратилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилмоқда. Бинобарин, ҳар бир иқлим шароитида қовун экинидан муттасил мўл ҳосил олиш кўп жиҳатдан мосланувчан навларни танлаш, уларнинг уруғини экишолди тайёрлаш ва қулай экиш муддатини белгилашга боғлиқлиги сабабли кейинги йилларда дунё халқларининг сеvimли полиз экинларидан бири бўлган қовуннинг турли тупроқ – иқлим шароитларига мос маҳаллий ва селекцион навлари яратиш, етиштиришнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш, жаҳон полизчилигининг сўнгги ютуқларига таянган ҳолда янги методлар билан тадқиқ этиш ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Республикамизда сўнгги йилларда аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, полиз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилган бўлсада, бу йўналишда Зарафшон водийси шароитида тадқиқотлар етарли даражада ўтказилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот, полиз ва узум етиштиришни кўпайтириш» муҳим стратегик вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда қовун навларини турли ўстирувчи моддалар ва экиш муддатларида ўстириб ўсимликнинг шаклланиши, ҳосил миқдори ва сифати, қоқи чиқими ҳамда ҳосилдорлиги, унинг сифат кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

¹ <http://www.fao.org/faostat/foodsecurity>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-2520-сон «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПҚ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси»² устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қовун навларининг уруғини экишолди тайёрлаш ва турли экиш муддатларида ўстириш технологиясини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар А.И.Филов, В.Ф.Белик, В.В.Коренец, Т.А.Санникова (Россия), Т.Г.Гуцалюк, Э.У.Тайшибаева ва бошқалар (Қозоғистон), M.Sabovics, L.Tomsone, Z.Kruma (Латвия), M.Lee, G.-W.Choi, J.Janick (Корея), С.Г.Аллахъяров (Озарбайжон), Т.А.Ахмедов, Дж.А.Толихов (Тожикистон), Ўзбекистонда эса Н.Н.Балашев, В.Н.Ермохин, А.С.Ҳакимов, Х.Ч.Бўриев, О.А.Ашурметов, С.Қ.Қўчқоров, Р.Т.Махамаджонов, В.И.Зуев, Р.А.Ҳакимов кабилар томонидан ўтказилиб, муайян натижаларга эришилган.

Қовун навларининг уруғи экишолди турли ўстирувчи стимуляторларда ишлаб ва экиш муддатларда ўстирилиб, уруғ дала унвчанлиги, ўсимлик ўсиши, ривожланиши, туп шаклланиши, маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифати бўйича баҳоланиб, уруғлар экишолди ўстирувчи стимулятор ва микроэлементлар эритмасида ишланиб, экиб ўстириш технологиясини такомиллаштириш тамойиллари яратилган. Хусусан, қовуннинг ёзги навлари уруғини экишолди ўстирувчи моддаларда ишлашнинг қулай усули ва мақбул экиш муддатларида ўстиришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисобланиб ишлаб чиқаришга тавсиялар берилган.

Бугуги кунда қовун етиштиришнинг самарадорлигини янада ошириш, татбиқ этилаётган янги мосланувчан навларни танлаш, уларнинг уруғини экишолди тайёрлаш, ўсимликларни парваришлаш жараёнларига ресурс ва энергия тежамкор самарали технологияларни татбиқ этиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Зарафшон водийси янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида қовун навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига уруғни экишолди тайёрлаш усуллари ва турли экиш муддатларининг таъсирини ўрганиш асосида юқори сифатли ҳамда арзон

² <https://www.uzscience.uz>

ҳосилни таъминловчи агротехнологияни тубдан такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Ушбу масалаларни ҳал этиш эса бугунги кунда республика бўйича йирик масштабларда барпо этилаётган қовун далалари потенциал ҳосилдорлигини максимал даражада ошириш имконини берувчи қатор муаммоли масалаларни ечимига қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг «Зарафшон водийси ва жанубий вилоятларда картошка, айрим сабзаёт-полиэ экинларидан аҳолини узлуксиз мўл, экологик соф, хўраки ва уруғбоп ҳосил билан таъминлайдиган навларини танлаш, яратиш ва ўстириш технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) ва Сабзаёт, полиэ экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтининг ҚХ-А-ҚХ-2018-123 «Қовуннинг маҳаллий нав намуналарини ўрганиш, генофондини сақлаш ва экспортбоп, серҳосил навларини ажратиш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги илмий-тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Зарафшон водийсининг янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида қовун навларининг уруғларини экишолди тайёрлаш ва турли муддатларда ўстиришнинг ўсимлик ҳосилдорлиги ҳамда мева сифатига таъсирини аниқлаш, юқори сифатли ва арзон ҳосилни таъминловчи такомиллашган технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қовуннинг тезпишар, ўртатегишар ва ўртапишар навлари уруғларини экишолди ўстирувчи стимуляторларда ва физиологик фаол моддаларда ишлашнинг дала унувчанлик, ўсимлик ўсиши, ривожланиши, тупнинг шаклланиши, ҳосилдорлиги ҳамда ҳосил сифатига таъсирини белгилаш;

қовун навларини турли муддатларда экиб ўстиришнинг ўсимлик ўсиши, ривожланиши, ер устки ва остки қисмлари ҳамда маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

қовун навлари уруғларини ўстирувчи моддаларда ишлаш ва турли муддатларда ўстириб олинган ҳосилни офтобда қуритиш орқали маҳсулот чиқими, биокимёвий таркиби ҳамда дегустацион баҳосини аниқлаш;

қовуннинг ёзги навлари уруғини экишолди ўстирувчи моддаларда ишлашнинг қулай усули ва мақбул экиш муддатларида ўстиришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар яратиш.

Тадқиқотнинг объекти қилиб, қовуннинг маҳаллий шароитда экиб ўстирилиб келинаётган Кўк калла пўш, Маҳаллий Самарқанд оби новвоти ва Кўкча-588 навлари, тоза сув ва 10 л сувда ўстирувчи моддалар (0,2 г қаҳрабо кислотаси + 2,0 г мис купороси) ҳамда 0,2 кг буғдой нишлатилган дони физиологик фаол экстракти, 4 та экиш муддатлари (1, 10, 20 ва 30 апрель) олинган.

Тадқиқотнинг предмети янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда қовун экини навларининг уруғини экишолди тайёрлаш усуллари ва турли экиш муддатларида ўстиришнинг ўсимлик ўсиши, ривожланиши,

ҳосил миқдори ва сифатига, қоқи чиқими ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, экиш, экинни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиш, ҳисоблаш ва таҳлиллар умумқабул қилинган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (2016), Бутунроссия ўсимликшунослик институти (1984: 1986), Бутунроссия сабзавотчилик илмий-тадқиқот институти (1992, 2011), Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти (2002), Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини синаш бўйича Давлат комиссияси (1974) услуги ҳамда тавсиялари асосида олиб борилган. Дала тажрибаларида олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов тавсия этган усулида ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Зарафшон водийсининг янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида қовуннинг тезпишар, ўртатезпишар ҳамда ўртапишар ёзги эти юмшоқ ва қаттиқ навлари уруғларини экишолди тайёрлашнинг қулай усули ва мақбул муддатларда ўстириш орқали юқори сифатли ва арзон ҳосилни таъминловчи агротехнологиялари такомиллаштирилган;

қовуннинг ёзги навлари уруғини ўстирувчи ва физиологик фаол моддаларда экишолди ишлашнинг дала унувчанлик, ўсимлик ўсиши, ривожланиши, тупнинг шаклланиши, ҳосилдорлиги ҳамда ҳосил сифатига таъсири аниқланган;

қовуннинг ёзги эти юмшоқ ва қаттиқ навларини турли муддатларда экиб, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ер устки ва остки қисмлари ҳамда маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлигига таъсири аниқланган;

қовун навлари уруғларини ўстирувчи моддаларда ишлаш ва турли муддатларда ўстириб олинган ҳосилни офтобда қуритиш орқали маҳсулот чиқими, биокимёвий таркиби ҳамда дегустацион баҳоси аниқланган;

қовуннинг ёзги навлари уруғини экишолди ўстирувчи моддаларда ишлашнинг қулай усули ва мақбул муддатларда ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Зарафшон водийсининг янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида қовун ёзги эти юмшоқ ва қаттиқ тезпишар, ўртатезпишар ва ўртапишар навларининг уруғини экишолди ўстирувчи стимулятор ҳамда микроэлемент (10 литр сувга 0,2 г қаҳрабо кислотаси ва 2,0 г мис купороси) эритмасида 12 соат ишланиб, 20 апрелда экилганда энг юқори (25,2-34,5 т/га) товар ҳосилдорлик, гектаридан 11,4-17,9 млн. сўм қўшимча соф даромад ҳамда 168,5-255,6% рентабеллик даражасига эришилган;

Самарқанд вилояти янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ўрганилган ёзги қовун навларидан уруғни экишолди мақбул ўстирувчи моддаларда (10 л сувда 0,2 г қаҳрабо кислотаси + 2,0 г мис купороси эритмасида 12 соат) ишлаш ва қулай муддатларда экиб ўстириш орқали ҳар гектардан 2.518-5.158 минг сўм қўшимча соф даромад ва 31,1-63,0 % рентабеллик даражасига эришиш таъминланар экан.

Самарқанд вилояти фермер хўжаликлари учун «Қовун ёзги навлар агротехнологиясида уруғни экишолди мақбул ўстирувчи моддаларда ишлаш ва қулай экиш муддатларини белгилашга оид тавсиялар» (2019 й.) ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини услубий жиҳатдан тўғрилиги, диссертация ишида қўлланилган услубларнинг тадқиқотларни бажаришга мослиги, олинган натижаларнинг республика ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги, маълумотларнинг ишончлилиги, тадқиқотлар йўналиши Давлат буюртмалари бўйича илмий-амалий лойиҳаларнинг таркибий қисми эканлиги, тадқиқотлар натижаларининг республика ва халқаро миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, тажрибалар натижаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларида чоп этилиб, ишлаб чиқаришга тавсиялар яратилганлиги ва жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Самарқанд вилоятининг янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида қовун навларининг уруғи экишолди турли ўстирувчи стимуляторларда ишлаб ва экиш муддатларда ўстирилиб, уруғ дала унувчанлиги, ўсимлик ўсиши, ривожланиши, туп шаклланиши, маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифати бўйича баҳоланиб, уруғлар экишолди ўстирувчи стимулятор ва микроэлементлар (10 литр сувга 0,2 г қаҳрабо кислотаси ва 2,0 г мис купороси) эритмасида 12 соат ишланиб, 20 апрелда экиб ўстириш технологиясининг илмий асосланганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида фермер хўжаликларида қовун эти юмшоқ ва қаттиқ тезпишар, ўртатезпишар ва ўртапишар навларини уруғини экишолди ўстирувчи стимуляторлар қулай таркибли меъёри ва мақбул экиш муддатларида ўстирилганда барқарор, юқори (25,2-34,5 т/га), сифатли ва арзон ҳосил олишни таъминловчи агротехнологик тадбирлар тизими ишлаб чиқилганлиги, тавсиянома яратилганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қовун ёзги эти юмшоқ ва қаттиқ тезпишар, ўртатезпишар ҳамда ўртапишар навларининг уруғини турли экишолди тайёрлаш усуллари ва экиш муддатларида ўрганиб, юқори, барқарор сифатли ва арзон ҳосилни таъминловчи технологиясини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Самарқанд вилояти фермер хўжаликлари учун «Қовун ёзги навлар агротехнологиясида уруғни экишолди мақбул ўстирувчи моддаларда ишлаш ва қулай экиш муддатларини белгилашга оид тавсиялар» ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 30 декабрдаги №02/029-4517-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда кўп тармоқли фермер хўжаликлари учун юқори ҳосил олишда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида қовун навларининг уруғини экишолди ўстирувчи стимулятор ва микроэлементлар (10 литр сувга 0,2 г қаҳрабо кислотаси ва 2,0 г мис купороси) эритмасида 12 соат давомида ишланиб, 10-20 апрелда белгиланган тартибда экиш ишланмаси жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 30 декабрдаги №02/029-4517-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида гектаридан 25,2-34,5 тонна товар ҳосилдорлик таъминланган. Нуробод туманининг «Ишонч» фермер хўжалигида – 9,6 га, Каттакўрғон туманининг «Фаровон куз» фермер хўжалигида – 6,0 га, «Серҳосил чаноқ барака» фермер хўжалигида – 8,0 га, жами 23,6 гектар майдонда тадқиқот олиб борилган;

қовун ёзги навларининг уруғини экишолди тайёрлашнинг қулай технологияси ва мақбул экиш муддатлари Нуробод туманининг «Ишонч» фермер хўжалигида – 9,6 га, Каттакўрғон туманининг «Фаровон куз» фермер хўжалигида – 6,0 га, «Серҳосил чаноқ барака» фермер хўжалигида – 8,0 га, жами 23,6 гектар майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 30 декабрдаги №02/029-4517-сон маълумотномаси). Натижада ҳар гектаридан 11,4-17,9 млн сўмгача соф даромад ва 168,5-255,6% рентабеллик даражаси ёки 5,1-7,2 млн. сўм кўшимча соф даромад ҳамда 80,8-94,2% рентабелликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, шу жумладан 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда ҳамда 1 та монография, 1 та ишлаб чиқаришга тавсиялар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар батафсил келтирилган.

Диссертациянинг «**Қовун экини уруғини экишолди тайёрлаш усуллари, экиш муддатлари ва ўстириш технологиясини ўрганиш бўйича илмий манбалар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган

тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи, илғор мамлакатлар тажрибаси атрофлича баён этилган. Шу билан бир қаторда илмий манбалардан, интернет маълумотларидан хулосалар қилиниб, тадқиқотлар олдиға қўйилган мақсад ва вазифалар, муайян тупроқ, иқлим шароитида қовун ёзги эти юмшоқ ва қаттиқ навлар уруғини экишолди ўстирувчи стимуляторлар ва микроэлементлар эритмасида ишлаб, турли муддатларда экиб ўрганиш бўйича махсус дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари олиб бориш зарурлиги келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот жойи, шароитлари, объекти, йўналишлари ва услуби» деб номланган иккинчи боби тадқиқот ўтказилган жой, унинг тупроқ-иқлим шароитлари, объектлари, йўналишлари, услублари, ўрганилган қовун навлари таърифи, ўстириш ҳамда қуритиш технологияси ва технологик тадбирлар харитаси батафсил келтирилган.

Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари 2016-2019 йиллар мобайнида Самарқанд вилояти Нуробод тумани «Ишонч» фермер хўжалигининг янгидан (17-20 йилдан бери) суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилган, механик таркибига кўра, ўрта қумоқ, сизот сувлари чуқур (18-20 м ва зиёд) жойлашгани, шўрланмаганлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Тажриба даласининг тупроғини агрохимёвий тавсифлаш учун ҳайдалма (0-30 см) ва ҳайдалма ости (31-50 см) қатламидан тупроқ намуналари олиниб, таҳлил қилинган. Тупроқ қатламларида, мос равишда, гумус миқдори 1,13-1,15 ва 0,83-0,89; умумий азот 0,12-0,15 ва 0,09-0,11; умумий фосфор 0,24-0,27 ва 0,17-0,20; умумий калий 2,05-2,16 ва 1,84-1,95 фоиз, ҳаракатчан фосфор 20,1-21,3 ва 15,2-17,8; алмашинувчан калий 206-212 ва 185-190 мг/кг ва тупроқнинг сувли сўримининг муҳити нейтрал ёки кучсиз ишқорий бўлиб, рН=7,1-7,2 га тенглиги, тажриба участкасининг тупроғи гумус ва ҳаракатчан фосфор билан кам, алмашинувчан калий билан ўртача даражада таъминланганлиги таъкидланган.

Ҳудуд иқлими кескин континентал, ўта иссиқ ва қуруқ бўлиб, фаслдан фаслга ҳамда кун давомида ҳароратнинг кескин ўзгариб туриши хос. Тажриба ўтказилган жойнинг иқлим шароитлари денгиз сатҳидан 600 м баландликда жойлашган «Нуробод» метеостанцияси маълумотларига кўра, ўртача йиллик ёғин миқдори 320 мм бўлиб, асосан қиш ва баҳор мавсумига тўғри келади. Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати, кўп йиллик маълумот бўйича 15,7°C га тенг. Йиллик ҳароратнинг энг паст даражаси (-8°C) январь ойида, энг юқори даража (+48°C) июль ойига тўғри келади. Тажриба ўтказилган 2016, 2017 ва 2019 йилларда йиллик ёнғиргарчилик миқдори 362-391 мм ни ташкил этиб, кўп йиллик кўрсаткичдан 10-39 мм зиёд бўлиб, 2018 йилда эса 290 мм, яъни 62 мм кам тушгани аниқланган. Ҳавонинг нисбий намлиги 56-62% бўлиб, кўп йиллик маълумотларга 2018 йилда тенг, қолган йилларда эса юқори эканлиги қайд этилган. Тадқиқот йилларида ҳаво ҳарорати кўп йиллик маълумотлардан 1,3-2,1°C га юқори бўлиб, 14,7-15,5°C ни ташкил этган.

Тадқиқот жараёнида қуйидаги кузатиш, ўлчаш, ҳисоблаш ва таҳлиллар олиб борилган:

Тажриба даласининг агрокимёвий таърифи, ҳайдалма (0-30 см) ва ҳайдалма ости (31-50 см) қатламдаги гумус И.В.Тюрин, ялпи азот, фосфор, калий И.М.Мальцева ва Л.П.Гриценко ҳамда нитрат азоти Гранвальд - Ляжу, аммоний азоти Несслер реактивида, ҳаракатчан фосфор – В.П.Мачигин, алмашинувчан калий П.В.Протасов услублари асосида аниқланган;

Қовун навлари уруғининг дала унувчанлиги, ҳақиқий туп қалинлиги (униб чиқиш ва ҳосилни йиғиш олдидан), фенологик кузатиш – Давлат нав синаш комиссияси услуби бўйича (1974), биометрик ўлчашлар (ўсимлик бош поясининг узунлиги, асосий ва ён шохлар сони, бир тупдаги барг сони, сатҳи, палак ва илдиз массаси) Сабзавотчилик илмий тадқиқот институти (1992, 2002, 2011) услуби бўйича; бир тупдаги эркак ва урғочи гуллар сони, мева ҳосили, сони ва битта мева ўртача вазни, ҳосилдорлик ва товар ҳосил чиқими Сабзавотчилик илмий тадқиқот институти услуби бўйича аниқланган; тажриба вариантлари бўйича ўстирилган қовун навлари мевасининг биокимёвий таркиби (куруқ модда «Pol-1» рефрактометри ёрдамида, қанд – цианат усулида, нитратлар эса дисульфифенол кислотаси ёрдамида), қоқи чиқими ва сифати аниқланган;

Дала тажрибаларида олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов кўрсатган усулида; қовун навларининг уруғини экишолди қулай ишлаш усули ва мақбул экиш муддатларида ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги сабзавотчилик илмий-тадқиқот институти услуби ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган илмий тадқиқот, тажриба конструкторлик ишлари, ихтиролар ҳамда рационализаторлик таклифларининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш услуби бўйича ҳисобланди.

Диссертация иши дастурига мувофиқ илмий тадқиқотлар қовун навларининг уруғини экишолди ўстирувчи стимуляторлар ва микроэлементларда ишлаш ҳамда турли экиш муддатларида ўстириб, ўсиши, ривожланиши, палак ва илдиз шаклланиши, ҳосил элементлари ҳосил бўлиши ва маҳсулдорлик, ҳосил миқдори ва сифатини ўрганиш тажриба тизимлари бўйича олиб борилган, дала тажрибалари йўналишлари, схемалари диссертацияда аниқ ёритилган.

Диссертациянинг «**Қовун навларининг уруғини экишолди ўстирувчи моддаларда ишлашнинг унувчанлик, ўсиш, ривожланиш, ҳосилдорлик ва ҳосил сифатига таъсирини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобда уруғ дала унувчанлиги, ўсимлик ўсиши, ривожланиши, палак ва илдиз шаклланиши, ҳосил элементлари ҳосил бўлиши, маҳсулдорлиги, ҳосилдорлик ва товар ҳосил чиқими, мева биокимёвий таркиби ва сифати бўйича тадқиқот натижалари батафсил баён этилган.


Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қовун ёзги эти юмшоқ ва қаттиқ навларининг уруғи экишолди ўстирувчи стимулятор ва микроэлемент (10 л сувда 0,2 г қаҳрабо кислотаси + 2,0 г мис купороси эритмасида 12 соат ишланиб экилганда энг юқори дала унувчанлик, яъни экилгач, 5-куни 76,8-81,0; 7-куни 86,1-90,2; 9-куни 96,0-98,7 ва 11-куни 96,4-99,2% қайд этилиб, назоратга

нисбатан мос равишда 13,4-14,4; 7,8-7,9; 4,5-6,9 ва 3,5-6,2% юқори эканлиги аниқланган.

Ўсув даври бўйича қовун Кўк қалла пўш нави – тезпишар (73-75 кун), Маҳаллий Самарқанд оби новвоти – ўртатезпишар (84-87 кун), Кўкча-588 нави ўртапишар (91-93 кун) эканлиги маълум бўлди.

Қовун ўрганилган навларининг уруғини экишолди ўстирувчи моддаларда ишлаб экиш, дала унувчанликни 96,4-99,2 фоизгача ошиши билан бирга 1-3 кун эрта, қийғос ва соғлом кўчатлар олинди, ўсув даврини 2-5 кунга узайиши таъминланган.

Биометрик ўлчашлардан аниқланишича, ўсув даври бошидаёқ (28-30 май) қовун ўрганилган навлар уруғини экишолди ўстирувчи стимуляторлар ва микроэлементлар эритмасида ишлаш ўсимликнинг ўсишига сезиларли таъсир кўрсатиб, уруғ тоза сувда ишланганда ўсимлик бош поя узунлиги 58,3-67,5 см, бир тупдаги ён шохлар 2,7-3,4, асосий поялар 3,4-4,1 донани ташкил этган бўлса, уруғ ўстирувчи стимулятор ва микроэлементлар эритмасида ишланганда, бу кўрсаткичлар 71,0-76,2 см, 3,3-3,9 ва 3,9-4,8 дона бўлиб, назоратга нисбатан 7,8-12,7 см, 0,5-0,6 ва 0,5-0,7 донага зиёд эканлиги аниқланган. Ушбу устунлик ўсув даври охиригача сақланиб, натижада энг узун бўйли (239,5-244,1 см), серпояли (4,6-4,9 дона), ён шохли (12,7-14,0 дона), баргли (286,1-307,3 дона), барг сатҳили (2734-2844 дм²), бақувват палак (1999-2073 г) ва илдиз массаси (145,0-153,6 г) қовун Маҳаллий Самарқанд оби новвоти ва Кўкча-588 навлари уруғи экишолди 10 л сувда 0,2 г қаҳрабо кислотаси + 2,0 г мис купороси эритмасида ишланганда олинган (1-рasm).



1-рasm. Қовун навларининг уруғи экишолди стимулятор ва микроэлементларда ишланганда ўсимлик барг сатҳининг ўзгариши

Ўсимликнинг ер устки ва остки қисмининг жадал ўсиши 20-30 июнгача кузатилиб, кейинги ўлчашларда (13-15 июл) сусайгани аниқланган. Қовун навларининг уруғини экишолди ўстирувчи стимуляторлар ва микроэлементлар ҳамда буғдой нишлатилган дони физиологик фаол экстрактида ишлаш тупда ҳосил элементлари шаклланиши ва маҳсулдорлик кўрсаткичларига таъсир кўрсатди. Энг кўп эрак (151-160 дона) ва урғочи (20-25 дона) гуллар ҳосил

бўлиши ҳамда маҳсулдорлик (бир туп ҳосили 10,6-11,3 кг, мевалар сони 3,2-3,8 дона, ўртача битта мева вазни 3,0-3,4 кг) қовун ўрганилган навларининг уруғлари экишолди 10 л сувда 0,2 г қаҳрабо кислотаси + 2,0 г мис купороси эритмасида 12 соат ишланиб экилганда олинган. Энг паст маҳсулдорлик кўрсаткичлари (бир тупда ҳосил 9,2 кг, 2,8 дона и 3,3 кг) қовун Кўк калла пўш нави уруғи тоза сувда ишланганда кузатилган.

Қовун ҳосилдорлиги навлар ва вариантлар бўйича ўртача гектаридан 21,7 дан 30,0 тоннагача ўзгарди (1-жадвал).

Қовун тезпишар Кўк калла пўш навида уруғ тоза сувда ишланиб экилганда (назоратда) ҳосилдорлик 21,7 т/га бўлиб, шундан 20,5 т/га ёки 94,3% товар ҳосилни ташкил этди. Уруғ экишолди 10 л сувда 0,2 г қаҳрабо кислотаси + 2,0 г мис купороси эритмасида 12 соат ивителиб экилганда энг юқори ҳосилдорлик 25,6 т/га, шундан 24,5 т/га ёки 95,8 фоизи товар ҳосил экани аниқланган ва кўшимча ҳосил 3,9 т/га (118,0%) олингани маълум бўлди. Уруғ экишолди 10 л сувда 0,2 кг буғдой нишлатилган дони физиологик фаол экстрактида 12 соат ишланиб экилганда эса ҳосилдорлик 24,2 т/га бўлиб, товар ҳосилдорлик 23,0 т/га ёки 95,1% ни, кўшимча ҳосил 2,5 т/га (111,5%) кузатилди.

Қовун ўртатегишар Маҳаллий Самарқанд оби новвоти ва ўртапишар Кўкча-588 навлари уруғи экишолди тоза сувда 12 соат ишланганда ҳосилдорлик 23,5-25,7 т/га, шундан товар ҳосил 22,1-24,4 т/га ёки 94,1-95,0% ни, уруғлар экишолди 10 л сувда 0,2 г қаҳрабо кислотаси + 2,0 г мис купороси эритмасида 12 соат ивителиб экилганда энг юқори ҳосилдорлик 28,4-30,0 т/га, шу жумладан 27,3-29,2 т/га ёки 96,3-97,4% товар ҳосилни ташкил этиб, гектардан 4,3-4,9 тонна (116,7-120,9%) кўшимча ҳосил қайд этилган. Мазкур қовун навларининг уруғи экишолди 10 л сувда 0,2 кг буғдой нишлатилган дони физиологик фаол экстрактида 12 соат ишланиб экилганда эса нисбатан юқори ҳосилдорлик (26,8-28,1 т/га, шундан 25,6-27,0 т/га ёки 95,4-96,1% товар ҳосил) олинди, гектаридан 2,4-3,3 тонна кўшимча ҳосил кузатилди.

Таҳлил натижаларига кўра, қовун навларининг ҳосил сифатига уруғни экишолди ўстирувчи стимуляторлар, микроэлементлар ҳамда буғдой нишлатилган дони физиологик фаол экстрактида ишлаш ижобий таъсир этиб, қуруқ модда 0,3-0,7% га, қанд 0,2-1,2% га, «С» витамини 1,56-3,46 мг/% га ошгани аниқланган. Энг кўп қуруқ модда навлар бўйича (11,9-13,4%), қанддорлик (9,2-9,6%), «С» витамини (15,72-20,24 мг/%) уруғлар экишолди 10 л сувда 0,2 г қаҳрабо кислотаси + 2,0 г мис купороси эритмасида 12 соат ишланганда қайд этилган. Мева таркибидаги нитратлар миқдори вариантларда 51,4-80,5 мг/кг бўлиб, чекланган (тавсия этилган) меъёр (90 мг/кг)дан ошмагани аниқланган.

Қовун ўрганилган навларининг уруғи экишолди ўстирувчи стимуляторлар ва микроэлементлар ҳамда буғдой нишлатилган дони физиологик фаол экстрактида ишлашнинг гелиоқуритиш усулида қоқи чиқими ва сифатига таъсири ўрганилганда, энг юқори қовун қоқи чиқими (11,4-12,0%), ҳосили (3,24-3,33 т/га), яхши сифат билан (9,0-9,4 балл) Маҳаллий Самарқанд оби новвоти ва Кўкча-588 навларининг уруғи ўстирувчи модда ва микроэлементларда 12 соат ишланганда олинган.

Диссертациянинг «Қовун навларини турли муддатларда экишнинг ўсимлик шаклланиши, ҳосилдорлиги ва сифатига таъсирини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида ўсимлик ўсиши, палак шаклланиши ва маҳсулдорлиги, умумий ва товар ҳосилдорлик ҳамда мева ҳосили ва қоқи сифатини турли экиш муддатларида қовун навларини ўстириб тадқиқ этиш яқунлари келтирилган.

1-жадвал

Қовун навларининг уруғини экишолди ўстирувчи стимуляторлар ва микроэлементлар эритмасида ишлашнинг ҳосилдорликка таъсири

№	Уруғларни экишолди ишлаш	Йиллар бўйича ҳосилдорлик, т/га			Ўртача ҳосилдорлик, т/га	Товар ҳосил		Назоратга нисбатан фарқ	
		2016	2017	2018		т/га	%	т/га	%
Кўк калла пўш навида									
1.	Сув - 12 соат (назорат)	23,8	21,9	19,4	21,7	20,5	94,3	-	100,0
2.	10 л сувда 0,2 г қахрабо кислотаси + 2,0 г CuSO ₄ 12 соат ишлаш	28,1	25,7	23,0	25,6	24,5	95,8	3,9	118,0
3.	10 л сувда 0,2 кг буғдой дони экстракти билан 12 соат ишлаш	26,3	25,1	21,2	24,2	23,0	95,1	2,5	111,5
$ЭКФ_{05} = 3,22 \quad 3,29 \quad 2,85 \text{ т/га}$ $S_{\bar{x}} = 3,32 \quad 3,72 \quad 3,20\%$									
Маҳаллий Самарқанд оби новвоти навида									
4.	Сув - 12 соат (назорат)	27,3	26,7	23,1	25,7	24,4	95,0	-	100,0
5.	10 л сувда 0,2 г қахрабо кислотаси + 2,0 г CuSO ₄ 12соат ишлаш	32,0	30,6	27,4	30,0	29,2	97,4	4,3	116,7
6.	10 л сувда 0,2 кг буғдой дони экстракти билан 12 соат ишлаш	31,6	27,5	25,2	28,1	27,0	96,1	2,4	109,3
$ЭКФ_{05} = 3,37 \quad 3,11 \quad 3,50 \text{ т/га}$ $S_{\bar{x}} = 3,11 \quad 3,35 \quad 3,74\%$									
Кўкча-588 навида									
7.	Сув - 12 соат (назорат)	25,4	23,4	21,7	23,5	22,1	94,1	-	100,0
8.	10 л сувда 0,2 г қахрабо кислотаси + 2,0 г CuSO ₄ 12 соат ишлаш	31,6	27,6	26,0	28,4	27,3	96,3	4,9	120,9
9.	10 л сувда 0,2 кг буғдой дони экстракти билан 12 соат ишлаш	29,7	26,4	24,3	26,8	25,6	95,4	3,3	114,0
$ЭКФ_{05} = 3,04 \quad 3,25 \quad 3,12 \text{ т/га}$ $S_{\bar{x}} = 2,66 \quad 3,42 \quad 3,17\%$									

Кузатишларга кўра, қовун навлари эрта (01.04) экилганда 8-9 кунда, кеч (30.04) экилганда эса 6-7 кунда униб чиқиши, «униб чиқиш - биринчи чинбарг чиқариш» даври эрта экилганда 16-17 кун, кеч экилганда 12-13 кун, «1-чинбарг чиқариш - шоналаш» даври, мос равишда 13-14 ва 11-12 кун, «шоналаш - гуллаш» даври эса 7-8 ва 5 кун давом этиб, ўсув даври синалган навлар ва экиш муддатлари бўйича кескин фарқланди. Эрта экилганда Кўк калла пўш навида – 79, Маҳаллий Самарқанд оби новвоти навида – 86, Кўкча-588 навида – 93 кун, кеч экилганда эса навлар бўйича 74, 85 ва 91 кун бўлиб, эрта экилганда, кеч экилган (назорат) вариантга нисбатан ўсув даври 2-5 кунгача узайгани кузатилган.

Биометрик ўлчашларнинг кўрсатишича, турли экиш муддатларида қовун навларининг ўсиш динамикаси, тупнинг ер устки ва остки қисмларининг шаклланиши сезиларли даражада фарқланиб, ўсув даври бошида (1-03.06) ўлчанганда ўсимлик бош поя узунлиги эрта (01.04) муддатда экилганда навлар бўйича 120,5-148,3 см, 10.04 да экилганда 143,1-162,8 см, 20.04 да экилганда 168,6-170,5 см, 30.04 да экилганда 130,7-154,2 см ни ташкил этиб, энг узун бўйли, серпояли, ён шохли ўсимликлар 20.04 да экилганда кузатилган. Ушбу устунлик ўсув даври охиригача сақланди ва 15-18 июлда ўлчанганда ўсимлик бош пояси узунлиги навлар бўйича 300,8-324,7 см, ён шохлар 13,0-15,6 дона, асосий поялар 4,9-5,1 донани ташкил этган. Ўсимликнинг жадал ўсиши 1-3 июлгача давом этиб, ўсув даври охирида сусайгани аниқланган. Палакнинг баргланиши, барг сатҳи, палак ва илдиз массасининг ўсув даврида ўзгариш динамикасини ўрганиш натижасида юқоридаги қонуниятлар кузатилиб, ўрганилган навлар бўйича сербаргли (310,1-341,1 дона), барг сатҳили (2604-2790 дм²), бақувват палак (2102-2198 г) ва илдиз массаси (119,6-150,2 г) экиш 20.04 да ўтказилганда қайд этилган. Нисбатан юқори кўрсаткичли палак ва илдиз массаси 10.04 да экилганда олинган.

Экишнинг эрта ёки кеч амалга оширилиши (10.04 гача ёки 30.04 дан кейин) билан бир тупнинг илдиз массаси ўсув даври бошида 53,1-80,5 граммдан 61,4-92,3 граммгача, ўсув даври охирида (25-28.07 да) ўлчанганда эса 105,6-137,1 граммдан 117,3-146,3 граммгача ошиб бориши аниқланган. Бу албатта, ҳарорат кўтарилиб, тупроқдаги намликнинг пастки қатламга тушиб бориши билан боғлиқ.

Турли муддатларда ўстирилган қовун навларида ҳосил элементлари, яъни эркак ва урғочи гуллар ҳосил бўлиши кескин фарқланиб, энг кўп эркак (139-149) ва урғочи гуллар (19-23 дона) экиш 20.04 да амалга оширилганда кузатилган. Шунда энг юқори маҳсулдорлик кўрсаткичлари (бир туп ҳосили 9,8-10,2 кг, мева сони – 3,3-3,5 дона), тупдаги ўртacha битта мева вазни – 2,91-2,97 кг) қовун навларида қайд этилган. Нисбатан юқори маҳсулдорлик (9,4-9,6 кг) 10.04 да экилганда бўлди. Экишни эрта ёки кеч амалга ошириш маҳсулдорликнинг 8,6 кг гача камайишига олиб келган.

Қовун навларининг ҳосилдорлиги экиш муддатлари бўйича гектаридан 21,1 дан 32,8 тоннагача ўзгариб, энг юқори ҳосилдорлик (29,0-32,8 т/га), шундан товар ҳосил 27,6-31,9 т/га (95,0-97,3%) экиш 20.04 да ўтказилганда олиниб, қўшимча ҳосилдорлик 5,4-7,9 т/га (119,7-137,4%)ни ташкил этди (2-

жадвал). Нисбатан юқори ҳосилдорлик (26,7-29,2 т/га), шу жумладан товар ҳосил 25,3-27,9 т/га (94,7-96,6%) 10.04 да экилганда олинди ва кўшимча ҳосил 1,2-5,6 т/га эканлиги аниқланган. Энг паст ҳосилдорлик (21,1-22,0 т/га) тезпишар Кўк калла пўш нави кеч (30.04) ва эрта (01.04 да) экилганда олинди, товар ҳосилдорлик 19,6-20,6 т/га ни ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Қовун навлари турли экиш муддатларида ўстирилганда ҳосилдорлиги

№	Экиш муддатлари	Йиллар бўйича ҳосилдорлик, т/га			Ўртача ҳосилдорлик, т/га	Товар ҳосил		Назоратга нисбатан фарқ	
		2016	2017	2018		т/га	%	т/га	%
Кўк калла пўш навида									
1.	01.04.	23,6	22,2	20,2	22,0	20,6	93,4	0,9	104,3
2.	10.04.	28,0	27,7	24,4	26,7	25,3	94,7	5,6	126,5
3.	20.04.	30,1	29,3	27,3	29,0	27,6	95,0	7,9	137,4
4.	30.04. (назорат)	23,4	20,4	19,5	21,1	19,6	93,0	-	100,0
		ЭКФ₀₅ =	2,86	3,38	2,81 т/га				
		S_{x̄} =	3,04	4,49	3,39%				
Маҳаллий Самарқанд оби новвоти навида									
5.	01.04.	27,9	25,0	24,5	25,8	24,3	94,1	1,5	106,2
6.	10.04.	30,5	29,9	27,2	29,2	27,9	95,5	4,9	120,2
7.	20.04.	32,2	31,2	28,7	30,7	29,7	96,8	6,4	126,3
8.	30.04. (назорат)	26,0	24,9	22,0	24,3	22,8	94,0	-	100,0
		ЭКФ₀₅ =	3,16	3,26	2,88 т/га				
		S_{x̄} =	3,35	3,75	3,18%				
Кўкча-588 навида									
9.	01.04.	26,3	25,6	23,4	25,1	23,9	95,4	-2,3	91,6
10.	10.04.	29,7	29,1	27,0	28,6	27,6	96,6	1,2	104,4
11.	20.04.	34,0	33,2	31,2	32,8	31,9	97,3	5,4	119,7
12.	30.04. (назорат)	29,2	27,9	25,1	27,4	26,3	96,0	-	100,0
		ЭКФ₀₅ =	3,14	3,21	3,06 т/га				
		S_{x̄} =	3,23	3,49	3,43%				

Шунга ўхшаш қонуниятлар ўртатезпишар Маҳаллий Самарқанд оби новвоти ва ўртапишар Кўкча-588 навларида ҳам кузатилиб, ҳосилдорлик кеч экилганда 24,3-27,4, эрта экилганда 25,1-25,8 т/га эканлиги қайд этилди.

Демак, Зарафшон водийсининг Нуробод тумани янгидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида қовун ёзги навларини мақбул муддатларда экиб ўстириш орқали ҳар гектардан 27,6-31,9 тонна товар ҳосилдорликка эришиш имконияти мавжуд экан.

